Ушбу сонда:
2 2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 Донолар дейдиларки... УЗОҚ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 11 январ, сешанба № 6 (1847)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра, такрорий овоз бериш ўтказилган 58 сайлов округининг барчасидан депутатлар сайланди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришнинг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилди.

Таъкидланганидек, барча тегишли сайлов округларида рўйхатга олинган 6 миллион 800 мингдан зиёд сайловчидан овоз беришда 5 миллион 400 минг нафардан ортиғи иштирок этди. Бу ушбу округларда рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг қарийб 80 фоизини ташкил этади.

Овоз беришда Тошкент шаҳридаги олтита округда сайловчиларнинг 71,2 фоизи, Андижон вилоятидаги олтита округда - 82,9 фоизи, Бухоро вилоятидаги бир округда - 82,4 фоизи, Жиззах вилоятидаги бир округда - 80,9 фоизи, Навоий вилоятидаги учта округда - 76,6 фоизи, Наманган вилоятидаги тўртта округда - 84,6 фоизи, Самарқанд вилоятидаги еттита округда - 79,7 фоизи, Сирдарё вилоятидаги иккита округда - 81,4 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги олтита округда 77,2 фоизи, Тошкент вилоятидаги еттита округда - 74,1 фоизи, Фарғона вилоятидаги тўққизта округда - 82,1 фоизи, Қашқадарё вилоятидаги учта округда - 82,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасидаги учта округда - 83,2 фоизи қатнашди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда такрорий овоз бериш ҳамма ерда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўтганлигини қайд этди. Сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида мурожаат, шикоят ва аризалар тушмади. Фуқароларнинг сайлов масалалари юзасидан мурожаатларига ўз вақтида тушунтириш бериб борилди.

Такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги расмий маълумот қонунда белгиланган тартибда матбуотда эълон қилинади.

**(ЎзА)**



***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарорларига мувофиқ, шу йил 9 январ куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи 946 та сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилди. Ушбу муҳим сиёсий тадбир - такрорий овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишга тегишли сайлов округлари ва участкаларида пухта ҳозирлик кўрилди. Бу такрорий овоз беришнинг юксак савияда, сайлов тўғрисидаги қонунлар талаблари доирасида ўтишини таъминлади.***

## ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 6 округда такрорий овоз бериш бўлиб ўтди.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловда 5-Қуйлиқ сайлов округидан тўрт нафар депутатликка номзоднинг бирортаси ҳам сайланиш учун етарли овоз ололмаганди. Сайловчилар бу гал энг кўп овоз тўплаган икки нафар номзоддан ўзлари мақбул деб топганлари учун такрорий овоз беришда қатнашдилар.

- Сайлов участкаларида такрорий овоз беришни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-техникавий масалалар аниқ ва белгиланган муддатларда амалга оширилди, - деди округ сайлов комиссияси раиси Мирқосим Мирёқубов ЎзА мухбирига. - Номзодларга тенглик ва қонунчиликда белгиланган тартиб-қоида асосида сайловолди ташвиқоти учун зарур шарт-шароит яратилди. Жойларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилди.

301-сайлов участкаси эрталабдан гавжум бўлди. Тоза, ёруғ, ораста жиҳозланган бинога бирин-кетин кириб келаётган сайловчиларнинг кайфияти кўтаринки. Белгиланган жойда номзодларнинг кузатувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари овоз бериш жараёнини синчковлик билан кузатиб турибдилар.

- Участкамиз «Сирғали-2» мавзесидаги «Иттифоқ» маҳалласининг бир минг етти юзга яқин фуқаросини қамраган, - дейди участка сайлов комиссияси раиси Ибодулла Каримов. - Асосий сайловда уларнинг фаоллиги 88 фоизни ташкил этганди. Кўриб турганингиздек, фуқароларимиз такрорий овоз беришда ҳам иштиёқ билан қатнашаяпти.

Пойтахтимизнинг 10-Астробод сайлов округига қарашли сайлов участкаларида ҳам сайловчилар такрорий овоз беришда фаол қатнашдилар.

- Округимизда Юнусобод ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 110 минг 800 нафардан зиёд фуқаро рўйхатга олинган, - деди округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Равшан Жўраев. - Сайловчиларимиз, айниқса, «Ҳасанбой», Генерал Ғафуров маҳаллалари фуқаролари жуда фаол.

Такрорий овоз бериш 11-Тўқимачи сайлов округида ҳам фаол ўтди.

- Такрорий овоз бериш жараёни фаол ўтаётганининг сабабларидан бири - мазкур масъулиятли жараёнга пухта ҳозирлик кўрилди, - дейди округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Абдусаттор Абдуғаффоров. - Таклифномалар овоз берувчиларга ўз вақтида тарқатилди. Сайлов учун барча жиҳозлар, кабиналар, қутилар тахт ҳолга келтирилди. 2004 йилнинг 27 декабридан 2005 йилнинг 9 январига қадар ўн саккиз ёшга тўлган янги сайловчилар рўйхатга олинди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Қорақалпоғистон Республикасидаги уч округда такрорий овоз берилди. Айниқса, 118-Хўжайли сайлов округига қарашли 253-сайлов участкасида сайловчиларнинг фаоллиги эрта тонгданоқ сезилди.

- Бугун ўтказилаётган такрорий овоз бериш мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар самараларидандир, - дейди меҳнат фахрийси Искандар Оқжигитов. - Мустақиллик туфайли ўзимиз танлаган партиянинг дастурини қўллаб-қувватлашга, ўзимиз танлаган номзод учун овоз беришга, ҳатто қайта овоз бериш имконига эга бўлдик.

- Мамлакатимизда биз, ёшлар учун жуда кенг имкониятлар яратилаяпти, - дейди педагогика коллежи талабаси Серик Асқаров. - Мен танлаган номзод мамлакатимиз парламентида қонунлар қабул қилишда фаол иштирок эта оладиган депутат бўлишини истайман. Шу мақсадда такрорий овоз бериш учун келдим.

- Кўриб турганингиздек, сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ва фаол намоён қилмоқда, - дейди участка сайлов комиссияси раиси Едил Қубайдуллаев. - Буни участкамиз бўйича рўйхатга олинган 2 минг 680 нафар сайловчининг тенг ярми соат ўн иккига қадар овоз бериб бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Ушбу муҳим сиёсий тадбир қайта овоз бериш зарур бўлган барча округларда ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтди. Зеро, такрорий овоз бериш юртимизда сайловлар мавжуд қонунчилик асосида, очиқ ва демократик руҳда ўтганининг яна бир намойиши бўлди.

**(ЎзА)**

***Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бўстонлиқ туманида янги тез тиббий ёрдам бўлимининг ишга туширилганлиги шулар жумласидандир.***

## ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИГА «ДАМАС»

Бўстонлиқ туман марказий шифохонаси 140 мингдан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Туманда 12 та қишлоқ врачлик пункти, 3 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 16 та фельдшер акушерлик пункти фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилда туман соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 72 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Марказий шифохона қошида янги тез тиббий ёрдам бўлими ташкил этилди.

Тез тиббий ёрдам бўлимининг очилиш маросимида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари иштирок этиб, янги ташкил этилган бўлим туман аҳолисининг саломатлигини асраш йўлида хизмат қилишига умид билдиришди. Тез тиббий ёрдам бўлими ва туман қишлоқ врачлик пунктларига "Дамас" автомобили топширилди.

**"Туркистон-пресс"**



### Касаба уюшмалари бугун

## МАЖБУРИЙ БЕКОР ЮРГАН КУНЛАРИ УЧУН

Хоразм вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси асосий эътиборни меҳнаткашларни ҳар томонлама муҳофаза қилишга қаратмоқда. Ўтган даврда ногиронлар, яккаёлғизлар, кўп болалилар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиб турилди. Айниқса, бу борада «Урганч ёғ», «Урганч эксковатор», «Хонқа дон», «Хива пахта тозалаш» заводи ҳиссадорлик жамиятлари касаба уюшма қўмиталарида ибратли ишлар амалга оширилди.

Ўтган йилнинг ўзида кам таъминланган 364 та оилага, 15 нафар кўп болали аёлларга ҳамда 27 нафар уруш қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 225 та кам таъминланган оилалар фарзандларига 2410 минг сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномалари ва келишувлари кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ тўлаш, қўшимча таътиллар бериш, кўп ёки ёш болали аёлларга ҳақини сақлаб қолган ҳолда иш соатини қисқартириш каби имтиёзлар билан бойитилди.

Бозор иқтисоди ривожланган сайин касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида 3 та муҳим йўналиш яққолроқ кўзга ташланмоқда. Булар бандлик дастурини амалга ошириш, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш, меҳнат шарт-шароитларини яхшилашдир. Шу боис бу борада тармоқда бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди.

Янги иш ўринларини ташкил қилиш, ярмаркалар ўтказиш туфайли 6539 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг 326 нафари қайта ўқитилди ва малакаси оширилди. Яна бир муаммо. Бу ҳам бўлса ходимлар сони қисқартирилиши ёки корхоналар тугатилиши оқибатида ишдан озод қилинган ходимларга аксарият ҳолларда моддий ёрдам қўлланилмаяпти. Касаба уюшмаларининг фаол аралашуви туфайли ҳисобот даврида мана шундай 300 нафардан ортиқ ишчига маъмурият томонидан моддий ёрдам олиб берилди.

Тармоқда янги иш ўринларини барпо қилиш бўйича белгиланган 20 дан ортиқ тадбир амалга оширилди. Натижада 2003 йилнинг ўзида 10820 янги иш ўринлар барпо этилди. Шунингдек, ходимларни қайта ўқитиш, касбга ўргатиш, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ногиронлар, болали аёллар, малакасиз ёшлар учун меҳнат жойларини квоталашга алоҳида эътибор қаратилди ва 3193 нафар шундай шароитдаги кишилар ишга жойлаштирилди.

Касаба уюшма вилоят қўмитаси етакчи мутахассислари томонидан 250 нафардан зиёд корхона, хўжаликларда жамоа шартномаси бандлари бўйича иш шароитларини яратиб берилиши кўриб чиқилди.

Талаб даражасида эмаслиги туфайли 300 дан ортиқ машина, станок, цех ва участкалар фаолияти тўхтатиб қўйилди. 30 дан зиёд мутасадди шахс жаримага тортилди. Лекин фақатгина жарима билан иш яхшиланиб қолмайди. Шунинг учун мутасаддилар мазкур соҳада тубдан ўзгариш ясаш учун барча чорани кўришлари зарур.

Ўтган уч йил ичида тармоқ ходимларининг 7 минг 96 нафари санаторий-профилакторийларда ўз саломатликларини тикладилар. Тўрт йил давомида эса 65 минг 77 нафар ўқувчи ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштирилди. Бундан ташқари, Тошкент ва Самарқанд вилояти оромгоҳларида 463 нафар кам даромадли оилаларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқардилар. Аммо Қўшкўпир, Хонқа, Боғот туманларининг касаба уюшма қўмиталарида бу ишга етарли эътибор қаратилмаяпти.

Ишдан ғайриқонуний бўшатилган 9 нафар ходим қайта ишга тикланиб, мажбурий бекор юрган кунларига ҳақ тўлатилди.

Ҳисобот даврининг дастлабки йилида тармоқ вилоят қўмитаси тасарруфида 440 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, уларда 191 минг нафар касаба уюшма аъзоси фаолият кўрсатарди. Ҳозирги кунда ташкилотлар сони 89 тага, аъзолар сони 16639 нафарга камайди. Буни объектив ва субъектив сабаблари бор. Ихтисослашиш жараёнлари давом этаётганлиги туфайли айрим касаба уюшма ташкилотлари бошқа тармоқ вилоят қўмиталари ҳисобига ўтиб кетди. Ташкилотларда мулк шакли ўзгарди. 2004 йилнинг 1 июлига қадар вилоят бўйича 7768 та деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, кўплаб касаба уюшма аъзолари ажралиб чиқди.

Бундан ташқари, баъзи туман касаба уюшма қўмиталарининг эътиборсизлиги туфайли айрим фермер хўжаликлари бошқа тармоқ касаба уюшмаларига ўтиб кетмоқдалар. Урганч шаҳри, Шовот, Янгиариқ туман касаба уюшма қўмиталарида раёсат ва Пленум йиғилишларини ўтказишда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда. Йиғилишларда кўриб чиқилаётган масалаларда долзарблик етишмаяпти. Айрим бошланғич ташкилотлар иш режасига эга эмас. Баъзи корхона, хўжаликларда жамоа шартномалари номигагина тузилмоқда. Уларнинг ижроси назорат қилинмайди.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган 50 та бахтсиз ҳодисага йўл қўйилди. Бу каби камчиликлар ҳозирда катта сабоқ бўлиб хизмат қилмоқда.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Улуғ шоирлар ва буюк алломалар юрти бўлган Бухорода соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оила тиббий маданиятини яхшилаш, жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялашга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилаяпти.***

***Вилоятда аҳолининг кенг қатламлари фойдаланиладиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини намунали йўлга қўйиш, қишлоқ жойларидаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти.***

*(Газетанинг 2-саҳифасида вилоятда тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг самаралари ҳақида ҳикоя қилинади)*

## ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ АФЗАЛЛИГИ

***Мустақиллик йилларида аҳоли соғлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий муассасаларни қишлоққа яқинлаштириш ва одамларни оммавий диспансер кўригидан ўтказишга эътибор кучайтирилди. Энг муҳими, беморларга қулай шароит яратиш, тиббий ёрдамнинг сифат ва самарадорлигига эришиб, даволашнинг қулай ва самарали усуллари бўлган бирламчи тиббий хизмат кенг йўлга қўйилди.***

Марказдан 100 километр узоқликда жойлашган Газли шаҳарчасида «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси ҳомийлигида замонавий шифохона қурилиб, ишга туширилди. Шифо масканининг қурилиши ва жиҳозланиши учун 5,5 миллиард сўмлик бюджет ва ҳомийлик маблағлари сарфланди. Қоровулбозор тумани марказида ҳам нефтни қайта ишлаш заводининг 1 миллиард 200 миллион сўмлик маблағи ҳисобига қурилган замонавий шифохона биноси туман марказий касалхонаси ихтиёрига берилди. Биргина 2004 йилда «Тез ёрдам» хизматини қўллаб-қувватлаш учун 20 та санитар автомашиналари олинди.

Давлат дастури асосида Бухоро шаҳар шифохонаси ўрнида 255 ўринли республика шошилинч тиббий илмий марказининг филиали ташкил этилди. Вилоятнинг барча аҳолиси шошилинч хизматдан баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида ўтган икки йил мобайнида Когон шаҳар ва 10 та туман марказий шифохоналари тасарруфида 293 ўринли 11 та бўлимлар фойдаланишга топширилди. Шифо ўринлари сони эса 548 тага етказилди. Биноларни таъмирлаш учун 900 миллион сўм, тиббий асбоб-ускуна ва аппаратуралар сотиб олиш ишларига 200 миллион сўм сарфланди. Ҳозирги кунда минглаб тез ёрдамга муҳтож бўлган беморлар замонавий даволаниш муолажаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Шошилинч тиббий ёрдам соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар вилоятимиз аҳолиси учун ҳар жиҳатдан мақбул ва самаралилиги билан алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда. Шифохоналарда тажрибали, қўли енгил ва малакали ҳакимлар кўпроқ фаолият олиб боришмоқда. Йилига 2 марта уларнинг билим ва малакалари аттестациядан ўтказилиб, бўлимларда ишлаш ҳуқуқи берилади. Айни пайтда Шофиркон туманидан Абдусамад Орипов, Олотдан Ўктам Ганжиев, Алишер Турсунов каби шифокорларнинг беморларга тез ва намунали тиббий ёрдам кўрсатаётганликлари боис бу ерда соғломлаштириш кўрсаткичлари юқори.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚОНУН БУЗИЛИШЛАРИГА ЧЕК БЕРИЛДИ

Ўтган йил агросаноат мажмуи ходимлари Наманган вилоят қўмитаси ҳаётида меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда муҳим босқич бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Агар 2003 йилда ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 20 минг 801 сўм сарфланган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 25 минг сўмданга тўғри келди. Наманган туманидаги «Зарбдор» ширкат хўжалигида йилнинг энг иссиқ ва совуқ кунларида ишлаганларга 30 фоиз қўшимча ҳақ тўлаш белгиланди. «Учқўрғонёғ» ҳиссадорлик жамиятида эса энг кам ойлик иш ҳақи 25 фоизга оширилиб, оғир ҳамда инсон саломатлиги учун зарарли иш шароитларда ишловчилар учун қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди.

Муҳтож оилалардан 8394 таси рўйхатга олинди, уларга ҳомий қилиб биркитилган корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 26,8 миллион сўмлик, касаба уюшмалари ҳисобидан 5,9 миллион сўмлик, моддий ёрдам кўрсатилди. Имзоланган келишув ва жамоа шартномалари орқали кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилалар, уруш қатнашчилари, байналмилал жангчилардан 2493 нафарига бепул тиббий хизмат ва дори-дармон учун корхона, ташкилот ва касаба уюшмалари ҳисобидан 19 миллион сўм сарфланди. 201 нафар ишловчи аёлларга туғишгача ва ундан кейин тўлаб бериладиган таътил кунлари узайтирилди. 172 нафар аёлга фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлгунга қадар 5,9 миллион сўмлик нафақалар тўланди. Касаба уюшмалари давр талабидан келиб чиқиб минтақавий «Бандлик» дастурини ишлаб чиқиш, янги иш ўринларини белгилаш бўйича ўз таклифларини меҳнат бўлимлари ва жамоа шартномаларига киритмоқдалар.

Ўтган давр мобайнида қуйи касаба уюшма ташкилотлари билан биргаликда иш берувчилар номига 378 та тақдимнома киритилди, иш ҳақини вақтида бермаганлиги учун 6 нафар раҳбар устидан фуқаролик судига даъво аризаси киритилди ва прокуратурага мурожаат қилиниб, ходимларга 303,1 миллион сўм маош ундириб берилди.

Меҳнаткашлар мурожаатларини ўрганиш жойларда нафақат ходимлар, балки касабақўм раислари, хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарларининг ҳам ҳуқуқий билими баъзи ҳолларда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Натижада бундай жамоаларда меҳнат қонунларининг бузилиш ҳолатлари рўй бермоқда. Масалан, Поп тумани «Поп» ширкат хўжалиги аъзолари Дилафрўз, Наргиза Рўзиматовалар ҳамда Юля Ненашева иш ўрни қисқариши туфайли ширкат хўжалиги умумий йиғилиши қарори (қарорда лавозим ва фамилиялар кўрсатилмагани ҳолда) асосида ишдан бўшатилган. Касаба уюшмасининг розилиги олинмагани сабабли улар иш ўринларига тикланиб, бекор юрган вақтлари учун иш ҳақлари ундириб берилди. Ўтган қисқа давр ичида шу сингари меҳнаткашлардан тушган 81 та ариза ўрганиб чиқилиб, меҳнаткашларнинг чекланган ҳақ-ҳуқуқлари тикланди.

Ўтган даврда агросаноат тизимидаги ходимларни соғломлаштириш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 1296 нафар киши санаторийларда, 660 нафари санаторий-профилакторийларда дам олдирилди.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# 2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

## ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ АФЗАЛЛИГИ

(Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 августдаги «2003-2005 йилларда тез тиббий ёрдам хизматини моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан вилоят тез тиббий ёрдам ходимларини кийим-бош билан таъминлаш мақсадида 2 миллион 868 минг сўм, санитария автотранспорти, тиббиёт техникаси ва алоқа воситалари билан таъминлаш мақсадида 34 миллион 377 минг сўм ҳамда «Тез ёрдам» станцияларини мукаммал таъмирлаш учун 24 миллион 610 минг сўм маблағ ажратилди. Ушбу хизмат жойлашган биноларни таъмирлаш ишларига бюджет ҳисобидан 32 миллион 100 минг сўм сарфланди. 2004 йил 1 январдан бошлаб 2861 нафар ходимнинг лавозим маошлари меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича 15 фоизга оширилди. Бухоро ва Ғиждувон туманларидаги собиқ тиббиёт билим юртлари 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт коллежларига айлантирилди. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган наркологик ва эндокринологик касалликларни даволашга мўлжалланган диспансерлар бюджет ҳисобидан қайта таъмирланиб, замонавий шифохоналар қуриб берилди.

«Она ва бола» скрининг марказида туғиш ёшдаги аёлларни, ҳомиладорларни, болаларни ва янги туғилган чақалоқларни туғма нуқсонлари ва бошқа касалликлари аниқланди. Касал топилган болалар бепул озиқ моддалари ва дори-дармонлар билан таъминланди.

Бюджетдан молияланадиган кардиология диспансери, кўз касалликлари ва марказий шифохоналар, вилоят аёлларни соғломлаштириш маркази туғруқ мажмуаси каби 7 та даволаш муассасалари ўзини-ўзи таъминлаш тизимига ўтказилди.

Келажак авлоднинг соғлиғи биринчи навбатда аёлларнинг саломатлигига боғлиқ. Шуни эътиборга олиб хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғломлаштириш, айниқса туғруқ ёшидаги аёлларда экстрагенитал хасталиклар аниқланганда алоҳида рўйхатга олиб, соғлиғини тиклаш борасида муайян ижобий ишлар амалга оширилди. Мавжуд 11 та туғруқхона ва мажмуалар қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Вилоят туғруқ мажмуалари қошида «Она ва бола» скрининг маркази очилган бўлиб, ногирон болалар туғилишининг олдини олинмоқда.

Давлат дастурларига асосланган ҳолда никоҳгача тиббий кўрик тизими ишлаб турибди. Ёш келин-куёвлар 100 фоиз тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилмоқда. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда ихтисослашган туғруқ мажмуаси бош шифокори Қаҳрамон Расулов, болалар реаниматологи Камол Мухторов, Ғиждувон туман туғруқхонаси бош ҳакими ўринбосари Ноила Тукбоева, болалар реаниматологи Фазлиддин Хамидов, вилоят туғруқ мажмуаси акушер-гинекологи Убайдулла Собировлар жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Даволаш-профилактика муассасаларига замонавий тиббиёт ускуналарини бюджет маблағлари ва чет эл инвестицияларидан олиб бериш йўлга қўйилди. 60 миллион сўмлик бюджет маблағларидан вилоят клиник касалхонасининг «Литотрептор» тиббиёт аппарати таъмирланди. Пешку туман марказий касалхонасига 14 миллион сўмлик гастрофиброскоп тиббий-диагностика ускунаси олинди. Бошқа даволаш муассасаларига ҳам жарроҳлик тўпламлари, «ЭКГ» ва «ИВЛ» каби тиббиёт ускуналари, 2 та вилоят туғруқ мажмуаларига ҳар бири 10 миллион сўмлик сунъий нафас олиш ва «УТТ» диагностика аппаратлари олиб берилди. Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси бўйича 10 миллион АҚШ доллари ҳажмида барча туғруқхоналар, болалар даволаш муассасалари ҳамда қон қуйиш масканлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши режалаштирилди. Ушбу лойиҳа шу йилдан ўз ишини бошлайди.

Ўтган йили соғлиқни сақлаш тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олишга 292 миллион сўм маблағ ажратилди. Ташҳис ва даволаш марказига «СТИЛ-3000» русумли компьютер-томография тиббий-диагностика аппарати ўрнатилди.

Шошилинч тиббий ёрдам марказларида фаолият кўрсатаётган врачлар малакасини ошириш мақсадида Россия, Украина ва бошқа хорижий давлатлар билан ҳамкорлик шартномалари тузилди. Ўтган икки йилда 18 нафар ҳамширалар Бухоро тиббиёт институтининг 3 йиллик курсларини тугатиб, иш билан таъминландилар. Ўтган йилда 27 нафар шифокорлар ҳамдўстлик давлатларининг Москва, Киев, Харьков каби шаҳарларида малака оширдилар. 196 нафар ҳакимлар Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўқишди. 897 нафар ўрта-тиббиёт ходимлари Бухоро ўрта тиббиёт ходимлари ва доришунослар малакасини ошириш билим юртида қайта тайёргарликдан ўтди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурининг асосий йўналишларидан бири қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш ҳисобланади. Аҳолининг қарийб 70 фоизи қишлоқларда истиқомат қилишади. Ҳозирги кунда вилоятда жами 291 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатаётган бўлса, шуларнинг 81 таси янгидан қурилиб, ишга туширилди. 210 таси эса ҚВПларга мослаштирилди. Мукаммал таъмирланиб, иссиқ, совуқ сув қувурлари киритилди, телефон ўрнатилди.

Айни пайтда ҚВПларда малакали таҳлил лабораториялари, кундузги шифохоналар, стоматология ҳамда физиотерапия муолажалари олиб бориладиган хоналар мавжуд бўлиб, келгусида жаҳон «Саломатлик-2» дастури асосида тўлиқ жиҳозланиши режалаштирилган. Бултур 37 миллион сўмлик биринчи ёрдам кўрсатишга мўлжалланган тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиб берилди.

Бултур яна 14 та ҚВПлар янги замонавий лойиҳа асосида аҳоли зич жойлашган қишлоқлар ҳудудида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Исроил давлатининг «Машав» лойиҳаси дастури асосида 2004 йилда 36 нафар қишлоқ врачлик масканларида ишлайдиган ўрта тиббиёт ходимлари бир ойлик курсларда малака ошириб келдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида қайси соҳада рақобат пайдо бўлса, шу соҳада ижобий ютуқларга эришилаётганлиги маълум. Шу боис, нодавлат тиббиёт муассасаларини ташкил этиш ислоҳотлар бошланиши жараёни билан биргаликда олиб борилмоқда. Ҳозиргача хусусий тиббиёт муассасалари сони 157 тага етди. Шундан 79 таси давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган объектлар, 32 таси янгидан ташкил қилинган муассасалардир. Шунинг ҳисобидан давлат бюджетига 350 миллион сўм туширилди. Бюджет муассасалари таркибида 682 шифо ўринга хўжалик ҳисобида фаолият юритадиган бўлимлар ташкил қилинди. Нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан ўтган йили 797 миллион сўмлик маблағ тушди. Якка тартибда фаолият кўрсатадиган ҳакимлар сони эса 551 нафарга етди.

**Х. ТОШОВ,**
**Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи**



## ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ходимлар учун қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланган.

Кўпминг кишилик жамоа аъзоларига 100 ўринли санаторий-профилакторий намунали хизмат кўрсатмоқда. Соғломлаштириш бўлими билан ҳамкорликда барча хотин-қизлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва кам таъминланган оила аъзоларидан юздан ортиғига бепул йўлланмалар берилди.

Корхона ишчиларидан Гулнора Очилова, Зариф Ҳакимов, Муҳаррам Раҳмонова ва Мунира Чўлиевалар бундай имтиёздан баҳраманд бўлиб, янги йилда ўз соғлиқларини тикладилар.

Тажрибали врач ва ҳамширалар томонидан олиб борилаётган даволаш муолажалари, тайёрланаётган парҳезли таомлар, замонавий жиҳозлар билан безатилган қулай ва шинам хоналар дам олувчилар хизматида.

**Шариф НАБИЕВ,**
**«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятига қарашли санаторий-профилакторий бош шифокори**

## ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛ

***Инсон саломатлиги учун аввало ўзи масъул эканлигини тушуниб етгандагина соғлом турмуш тарзини шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, одамлар соғлиғини муҳофазалаш соҳасида даволаш-профилактика ишлари билан бирга тарғибот-ташвиқот тадбирлари доимий равишда ташкил этилса, ижобий самара беради.***

Шу боис ходимларимиз саноат, қурилиш, транспорт, аҳолига коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида машғулотлар ўтказишаяпти. «Соғлом турмуш тарзи - саломатлик гарови», «Соф ҳаво, тоза сув - танга даво», «Овқатдан заҳарланиш», «Соғлом онадан соғлом бола туғилади», «Юқумли касалликлардан сақланинг» мавзуларида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилди.

Болалар боғчалари, мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларида эпидемиологик вазиятни яхшилаш, грипп, гепатит, ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича семинар машғулотлари ўтказилди. «Соғломжон - полвонжон» кўрик-танловида 9-болалар боғчаси, «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» расмлар кўргазмасида 4-, 7- ва 9-мактаб ўқувчилари ғолибликни эгалладилар.

Саноат касб-ҳунар коллежи, 17-иқтидорли болалар мактабида ОИТС ва гиёҳвандлик - ҳаёт кушандаси, «Зарарли одатлар - умр заволи» давра суҳбатлари ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар ўртасида шаҳар маҳаллаларидаги учрашувлар «Оила тиббий маданияти», «Контрацепциянинг замонавий турлари», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари», «Камқонликнинг олдини олиш», «Буқоқ ва унинг профилактикаси», «Спорт-саломатлик гарови» мавзуларига бағишланди. Кўплаб эсдалик ва буклетлар чоп этилиб, аҳолига тарқатилди.

Марказимизда уқалаш, спорт зали, шахмат-шашка ва стол тенниси хоналари ишлаб турибди. Фитобарда шифобахш гиёҳлардан ҳар хил дамламалар тайёрланаяпти. Уқаловчи ҳамшира Сабоҳат Сафарова, жисмоний тарбия машқларини ўтказаётган Нигина Толипова, фитобарда ишлаётган Наргиза Ҳамроева, малакали тиббиёт ходимлари Хўжамурод Султонов, Зиёдулла Имомов, Майсара Ҳусенова, Меҳринисо Исматова, Мавжуда Раҳимова каби ўнлаб жонкуярлар инсон соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида ҳамиша хизматга шай.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Когон шаҳар «Саломатлик маркази» бош ҳакими**

## ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

***Даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолини дори-дармон ҳамда тиббий воситалар билан таъминлашга бирлашмамиз жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Тизимга қарашли 12 та дорихона ва жойлардаги 63 та шохобчамизда муайян ишлар амалга оширилди.***

Ўтган даврда республикамиздаги дори ишлаб чиқарадиган корхоналар билан 916 турдаги маҳсулот олиш учун 66 та шартномалар тузилди. Истеъмолчиларга 1 миллиард 805 миллион 638,4 минг сўмлик дори-дармон ва тиббий ашё етказиб берилди.

Бултур хорижий фирмалар билан шартнома асосида 102 минг 875 АҚШ доллари миқдорида ҳаётий зарур дорилар олиниб, тиббиёт муассасалари ва аҳолига сотилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 404-қарорига биноан дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган 20 хилдаги дори-дармонлар келтирилди. Бундан ташқари, ҳукумат кредит маблағлари ҳисобидан 98 турдаги 301 миллион сўмлик маҳсулот махсус мутахассислар гуруҳи иштирокида шифохоналарга тақсимлаб берилди.

Мамлакатдаги «Гуорик Авиценна», «Радикс», «Медиз», «Сарбонтекс», «Медиофарм», «Капчан», «Корфармсаноат», «Ўзбекфарм», «Самсунг Ташкент Фарм ЛТД» каби фирма ва корхоналар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. 35 минг 402 нафар беморга 93 миллион 431,8 минг сўмлик имтиёзли дорилар тарқатилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаяпмиз. Ишчи-хизматчиларга 7 миллион 110 минг сўмлик моддий ёрдам ва мукофотлар берилди. Зарарли шароитларда ишлайдиганлар сут ва сут маҳсулотлари, махсус кийим-кечак ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

**Султон БАРНОЕВ,**
**вилоят «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси бошқарув кенгаши раиси**

## ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИ ҚВПЛАР

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш дастурида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим бўғин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам туманимизнинг Янгиқишлоқ, Тарновут, Боғисайидон, Атторон, Чойжўй, Қақиштовон, Ҳазарбоғ каби 8 та қишлоғида янги тиббий масканлар қад ростлади. Бу йил Боғча ва Ғазбирон аҳоли яшаш жойларида ҳар бири 75 қатновга мўлжалланган ҚВПлар қурилади.

Ҳудудимизда истиқомат қилаётган 108 минг аҳолининг 30 минг нафарини туғиш ёшидаги аёллар, 4174 нафарини ўсмир қизлар ташкил этади. Ўзининг бутун билими, куч-ғайратини соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бағишлаётган ҳамкасбларимиз билан фахрланамиз.

Қишлоғимиз туман марказидан 280 километр олисда Хоразм вилояти ва Туркманистон республикаси чегарасида жойлашган. 1500 дан ортиқ фуқароларнинг соғлиғига кўз-қулоқ бўлиб турибмиз.

Яқинда қишлоғимизга бош ҳаким муовини Файзи Панаев раҳбарлигида кардиолог Ўлмас Назаров, акушер-гинеколог Шариф Акрамов, асаб касалликлари ҳакими Карим Шодиев, тиш доктори Рустам Шароповлардан иборат гуруҳ одамларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Касаллиги аниқланганлар шифохоналарга ётқизилди. 500 га яқин туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларнинг соғлиғи текширилиб, тегишли тавсия ва муолажалар амалга оширилди.

«Сиҳат-саломатлик йили»да энг асосий вазифа ўз саломатликларига бўлган тушунчаларини ўзгартириш, ҳар бир кишининг ўз соғлиғи учун масъуллигини ошириш демакдир. Ана шундагина ҳар бир оилада жисмоний соғлом, маънавий баркамол инсонлар камол топади.

**Ғайрат ШЕРОВ,**
**Ромитан туманидаги Қизилравот қишлоқ шифохонаси шифокори**



## КАСБ ШАРАФИ

Юқори малакали ҳамшира - тиббиёт тараққиёти даражасини белгилаб берувчи, шифокор ва бемор ўртасида боғланишнинг узилмаслигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Тошқул Ҳайомов номли ширкат хўжалиги ҳудудида янгидан қад кўтарган Работ қишлоқ врачлик пункти ходимлари шифокорликдек қийин, айни пайтда шарафли касбларини улуғлаб келишаяпти.

«Саломатлик-2» дастурига мувофиқ 20 та қишлоқ врачлик пункти жаҳон андозаларига мос таъмирланганлиги, «Тез ёрдам» бўлимига 3 та «Дамас» русумли санитар машинаси, 14,8 миллион сўмлик тиббий анжомлар келтирилганлиги биз шифокорлар тўғрисида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Олий тоифали ҳаким Зайниддин Жумаев мудирлик қилаётган шифо маскани 4337 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Ширкат хўжалиги раиси Эркин Турсуновни эътибори туфайли ҳомийлар ҳисобидан 60 миллион, маҳаллий бюджетдан 24 миллион сўм сарфланиб, 75 қатновга мўлжалланган врачлик пункти ишга тушганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ.

Умумий амалиёт врачи Лайло Садирова, тиш доктори Эркин Азимов, ҳамширалар Саёҳат Муҳаммедова, Сайёра Жумаева, Лола Шариповалар аҳоли соғлиғини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, юқумли касалликларнинг олдини олишда фидойилик кўрсатишаяпти.

Пунктимиздан доялик, хотин-қизларни кўрикдан ўтказиш, 4 ўринли кундузги бўлим, физиотерапия, функционал диагностика, муолажа хоналари жой олган. Ҳар бир беморнинг касали пухта ўрганилиб, аниқ ташҳис асосида даволанади.

Бундан ташқари, Работ, Шурча, Хўжалик, Ебузхур, Юқори ва Қўйжингон қишлоқларидаги хонадонларда «Саломатлик - туман бойлик», «Соғлиғингизни асранг», «Репродуктив саломатлик», «Ўсмир қизлар гигиенаси», «Оила тиббий маданияти» мавзуида суҳбатлар ўтказиб борилаяпти.

Қишлоқда ишлаётган тиббиёт ҳамшираларининг меҳнати айниқса, масъулиятли эканлигини жамоамиз аъзолари яхши билишади. Физиотерапия ҳамшираси Дилбар Мухторова, муолажа хонасида хизмат қилаётган Хосият Содиқова, мактаб ҳамшираси Шоира Файзуллаеваларнинг тиниб-тинчимаслиги туфайли касалликларнинг олди олиниб, соғлом турмуш тарзи қарор топмоқда.

**Ойсара ТЎХТАМУРОДОВА,**
**Жондор туманидаги Работ қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси**

## «БОЛТА ЖУМА» - ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, хайрли ишга қўл урган эдик. Шаҳарнинг кўркам ва баҳаво ҳудудида жойлашган хусусий шифохонамиз юрак-қон томири касалликларини даволашга ихтисослашган.

Қарийб 25 миллион сўм маблағ сарфлаб, ҳамма қулайликлар мавжуд 20 ўринли диагностика-даволаш маркази ишга туширилди. Ҳозирги кунда 3 нафар тажрибали шифокор ва ўндан ортиқ олий тоифадаги ҳамширалар аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти.

Беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўзи билан ҳам даволаётган асаб касалликлари шифокори Замира Давронова, кардиолог Бахтиёр Тўраев, қўли енгил ҳамширалар Гулчеҳра Ғаниева, Дилфуза Ҳожиева, Матлуба Юсупова, Зулхумор Баҳромова, Зуҳра Рўзиеваларнинг ўзига яраша ҳурмат-эътибори бор.

Ёши олтмишдан ошган Ўғилой Ўринова, Тамсия Грешкевич, Зоя Жўраева, Ҳалима Ҳамидова сингари беморлар дарддан фориғ этганликлари учун саломатлик посбонларидан бениҳоя мамнун.

**Тўра БОЛТАЕВ,**
**Бухоро шаҳридаги «Болта Жума» хусусий шифохонаси бош ҳакими**



## КОЛЛЕЖ ҲАМШИРАЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида бундан икки йил муқаддам билим юртимизга коллеж мақоми берилди.

Давлат томонидан 907 миллион сўм маблағ ажратилиб, қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 39 та фан хоналари ва лабораториялари, 23 мингта китоб жамғармасига эга кутубхона, спорт зали, 120 ўринли ошхона ишлаб турибди.

1314 нафар ўғил-қиз таълим олаётган илм масканида ҳамширалик ва акушерлик иши, ортопедик стоматология йўналишлари бўйича таълим берилаяпти. Талабаларнинг амалий кўникмаларни ўрганишлари учун ҳамширалик иши тренинг хонаси ташкил этилган бўлиб, Япония гранти бўйича 61 номдаги 139 та тиббий ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Аҳил ва иноқ жамоада ишлаётган 84 нафар педагогларнинг 2 нафари фан номзоди, 10 нафари олий, 22 нафари биринчи тоифали мутахассислардир. Ўндан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари ва хусусий шифохоналар билан шартнома тузилган. Муҳаррам Аъзамова, Нуъмон Ражабов, Матлуба Юнусова, Дилором Анварова каби малакали мутахассислар бошчилигида шифохоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Собиқ битирувчилардан Элмира Шаропова туман туғруқхонасида акушер-гинеколог, Комил Баҳромов умумий амалиёт ҳакими бўлиб ишлаётган бўлса, Нодир Ҳасанов Тошкент педиатрия олийгоҳида ўқимоқда.

Талабалар соғлиғини мустаҳкамлашни назарда тутиб, соғломлаштириш хонаси ишга туширилди. Бу ерга 3 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланиб, ҳар хил тренажерлар ўрнатилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва етим болаларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Ишчан ходимларни рағбатлантириш йўлга қўйилган.

**Илҳом ХОЛМУРОДОВ,**
**Ғиждувон тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси**

## ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛДИ

Дунёда чақалоқ ингасидан ёқимли овоз бўлмаса керак. У хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин, ҳаётимиз давомчиси, келажагимиз вориси ҳисобланади.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоронинг Моҳи-Хосса даҳасида жойлашган вилоят ихтисослашган туғруқ мажмуасида чақалоқ ингаси ҳар кун, ҳар сонияда эшитилиб туради.

Юз ўринли мажмуада ҳомиладорлик патологияси, туғруқдан кейинги даволаш, туғруқ, гинекология бўлимлари фаолият кўрсатади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилишини таъминлаш устувор йўналишга айланган бир пайтда ўнлаб олий тоифали врач ва ҳамширалар улуғ мақсад йўлида самарали ишламоқдалар.

Бош ҳаким Қ. Расулов, касаба уюшма қўмитаси раиси Н. Баҳронова, чақалоқлар бўлими бошлиғи М. Муҳамедова кабилар беморнинг дардини енгил қилиш учун қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказишади.

Замонавий даволаш усулларидан фойдаланилаяпти. «Чақалоқларга дўстона муносабат», «Болани кўкрак сути билан боқиш», «Бехатар оналик» йўналишлари бўйича самарали ёрдам кўрсатилаяпти. «Ёш оналар мактаби» машғулотларида болани парваришлаш сирлари ўргатилаяпти.

«Она ва бола» скрининг марказида хавфли гуруҳга мансуб ҳомиладорлар текширилиб, нуқсонли бола туғилишининг олди олинаяпти. Генетик ҳакима Ойша Иноятова, ҳамшира Назира Нарзиева ва лаборатория ходимаси Элвира Ашуровалар томонидан мунтазам тиббий патронаж хизмати кўрсатилаяпти.

**Раъно ҚУДРАТОВА,**
**вилоят ихтисослашган туғруқ мажмуаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари**



# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради



***САВОЛ: қонунда қандай ҳолларда ходимни ишдан четлаштириш назарда тутилган?***

**Ҳ.ҚОДИРОВА,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ:** иш берувчи томонидан ходимни ишдан четлаштиришга қонунда кўрсатилган айрим ҳолатлардагина йўл қўйилмайди. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 113-моддасида кўрсатиб ўтилган:

– алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим дарҳол иш берувчи томонидан ишдан четлаштирилади ва шу куни ходим ишда бўлмаган кун деб ҳисобланади. Ходимнинг маст ҳолатда бўлганлиги тиббий хулоса ёки уч киши иштирокида тузилган далолатнома билан тасдиқланади. Маст ҳолатда ишга келган ва натижада ишдан четлаштирилган ходимдан Меҳнат Кодексининг 182-моддасига мувофиқ ишдан четлаштирилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида тушунтириш хати олиниш (тушунтириш хати беришдан бош тортса далолатнома тузилиши) ва шу Кодекснинг фақат 181-моддасида кўрсатилган интизомий жазо чораларидан бири иш берувчи томонидан қўлланилиши мумкин. Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш умуман тақиқланади:

– жиноят иши бўйича айбланувчини вазифасидан четлаштириш зарур бўлиб қолган ҳолларда терговчи ёки суриштирув идораси томонидан асослантирилган қарор чиқарилади ва ушбу қарор прокурор томонидан тасдиқланган бўлиши зарур. Бу идораларнинг ходимни ишдан четлаштириш тўғрисидаги қарорини бажариш иш берувчи учун мажбурий ҳисобланади. Лекин ходимни вазифасидан четлаштиришнинг муддати қанча бўлишидан қатъий назар бу ходимни вазифасидан озод қилиш учун мустақил асос бўла олмайди. Ишдан четлаштирилган ходимнинг меҳнат дафтарчасига ҳеч қандай ёзув киритилмайди, ходимга меҳнат дафтарчаси берилмайди ва у иш берувчида сақланади;

– ходим қонунда белгиланган мажбурий тиббий кўрикдан ўтишни хоҳламаса ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажаролмаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш Меҳнат Кодексининг 214-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Амалдаги қонунга асосан иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар:

-ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

-олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

-ногиронлар;

-меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

-озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

-умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларда бевосита болаларга тарбия ва таълим бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўймасликдир.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолатини меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни иш берувчидан талаб қилишга ҳам ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтишда ходимлардан ҳеч қандай пул олинмайди. Ходим тиббий кўрикдан ўтишда қандай турдаги поликлиника хизматидан фойдаланишидан қатъий назар чиқимдор бўлиши керак эмас.

Мабодо юқори тиббиёт муассасаси томонидан тиббий кўрикдан ўтишда фақат хусусий поликлиника кўрсатилган бўлса, тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ барча харажатлар тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма берган муассаса томонидан тўланиши зарур.

Ходимларни ишдан четлаштиришда ва уларни тиббий кўрикдан ўтказишда иш берувчи амалдаги қонунлар асосида иш олиб бормоғи, ходимларнинг ҳимоячиси бўлган касаба уюшма қўмиталари эса, қонунларнинг тўлиқ бажарилишини доимо назорат қилишлари даркор.

## «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ





## Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради



***Савол: дипломда - «ўқитувчи» ёки «педагог», деб кўрсатилмаган бўлса коммунал хизматлари учун имтиёзлар ўрнига компенсация тўланадими?***

**Р. БОБОДЎСТОВ,**
**Самарқанд вилояти**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан қуйидаги шахсларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари тўлана бошланди:

- барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотга эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларига;

- академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус таълим муассасалари педагогик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

- педагогик маълумотига эга Меҳрибонлик уйи тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларига;

- педагогик маълумотига эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;

- педагогик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор методистларига;

- Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерларига;

- юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагогик ва илмий педагогик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланади. Агар дипломингизда ҳақиқатан ҳам «ўқитувчи», - деб ёзилмаган бўлса Сизга компенсация пул тўловлари бериш назарда тутилмаган.

Бугун ҳар биримиз огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, ён-атрофимизга сергаклик билан назар ташлашимиз лозим.

Буни яхши англаб етган Самарқанд вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 3-отряд ЙПХ ходимлари ўз хизмат бурчларини изчил олиб боришаётганлиги боис кўплаб йўл транспорт ҳодисалари олди олинмоқда.

***Суратда: вилоят ИИБ ЙҲХБ 3-отряд ЙПХ катта инспектори, капитан Азамат Воҳидов ҳамда инспектор, старшина Жамол Нурманов хизмат пайтида.***



## ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Куни кеча шундай тадбирлардан бири Мудофаага кўмаклашувчи Ватанпарвар ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактаблари курсантларининг фахрийлар билан учрашуви ўтказилди.

"Икки авлод учрашуви" мавзуидаги мазкур тадбирда ҳарбий ҳаётда чиниққан отахонлар ёш аскарларга ўз ўгит ва маслаҳатларини беришди. Унда миллий армиямиз фаолиятига оид маърузалар тингланди. Шунингдек, тадбирда кўргазмали чиқишлар ҳам намойиш этилди. Картинг спорти, авиаракета модел турлари бўйича кўргазмали кўринишлар ижро этилди.

**"Туркистон-пресс"**


# Наблюдательный Совет ОАО “ТАЪМИНОТЧИ-ПАХТА”

## ОБЪЯВЛЯЕТ о проведении внеочередного общего собрания Акционеров, которое состоится 11 февраля 2005 года

по адресу: Ташкентская область, Чиназский район, п. Эски Ташкент. в актовом зале ОАО "Таъминотчи-Пахта"

Начало регистрации акционеров в 9 час. 00 мин.

Начало собрания в 10 час. 00 мин.

**Повестка дня:**

1 Довыборы в Наблюдательный Совет

2 Избрание Председателя Правления АО

При себе иметь паспорт (для физических лиц), служебное удостоверение (для юридических лиц) и доверенность заверенную нотариусом (для представителей акционеров).

Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании акционеров,

Будет составлен по состоянию на 11 января 2005 года.

За дополнительной информацией обращаться в ОАО "Таъминотчи-Пахта"

По телефону 172-66-13.

**Сообщение 07 (наступление даты закрытия реестра)**

7 января 2005 года Наблюдательным Советом ОАО "Таъминотчи-Пахта" принято решение о закрытии реестра акционеров на дату 11 января 2005 года.

**ИНФОРМАЦИЯ**

О существенном факте, событии, действии эмитента ОАО "Таъминотчи-Пахта"

Расположенного по адресу: Ташкентская область, Чиназский район, п. Эски Ташкент

Код ОКПО 14910616, ИНН: 200453562


***САВОЛ: қўшни республикаларда ёки хорижий давлатлардаги ўқув юртларида таҳсил олганлик ҳақидаги дипломларга эга бўлган шахсларнинг ушбу ҳужжатлари Ўзбекистон ҳудудида тан олинадими?***

**С.РАСУЛОВА,**
**Чуст тумани**

**ЖАВОБ:** ушбу масала Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори асосида ишлаб чиқилган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан амалга оширилади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатларни тан олиш ҳамда уларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибини белгилайди.

Хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳамда тегишли гувоҳнома бериш бевосита Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим ва унинг қуйи босқичлари ҳужжатларини тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ариза ва маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, унинг нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси асосида мурожаат қилинган кундан бошлаб энг кўпи билан икки ҳафта муддатда амалга оширилади. Комиссия хулосаси Бошқармага юборилади ва уч кун муддат ичида тегишли қарор қабул қилишга асос бўлади. Комиссия бутун ўқув йили давомида фаолият кўрсатади ва ўз иши ҳақида Бошқармага ҳисобот беради.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кооперация ва (ёки) мақсадли ўқитиш («Умид» жамғармаси тавсияси билан, давлатлараро битимлар орқали ва бошқалар) асосида хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги олинган ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш тўғридан-тўғри текширувсиз амалга оширилади ва тегишли ҳужжат расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли хорижий давлатларнинг давлат рўйхатида турган (легализация қилинган) ўрта махсус ва олий таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотни олдиндан ҳозирлаб қўйишлари шарт. Бунинг учун юқорида номлари қайд этилган идоралар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга мурожаат қилишлари мумкин.

Хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва уларнинг эквивалентилигини қайд этиш ҳақидаги аризага (2-иловага мувофиқ) қуйидагилар илова қилинади:

- маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми, якуний баҳолар, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараёнининг бошқа бажарилган талаблари кўрсатилиши лозим);

- маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси.

Бошқарма таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ўқув юртининг ўша давлатда тегишли рўйхатда (легализация рўйхатида) борлигини текшириб, ҳужжатнинг иловасида кўрсатилган фанлар ва махсус курслар Ўзбекистон Республикасида ушбу ёки унга турдош йўналишдаги мутахассисликлар бўйича тасдиқланган ўқув дастурига мос келиш-келмаслигини (асосан мутахассислик фанлари бўйича) аниқлайди ва энг кўпи билан бир ой муддатда тегишли қарори чиқарилади. Бошқарма лозим бўлган ҳолларда тегишли ўқув юрти, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштирувчи ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

Ариза берувчи шунингдек, ўз тайёргарлиги ҳақида бошқа ҳужжатларни, жумладан, таълим олишнинг кейинги даражалари, касбий фаолият билан шуғулланиши мумкинлиги, амалий тажриба ҳақидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этишга ҳақлидир. Тан олиш ва эквивалентлигини қайд қилиш учун зарур бўлган материаллар Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржималари билан тақдим этилади.

**Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш жараёнига қўйиладиган талаблар**

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш жараёни халқаро битимлар ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикасидаги узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари, меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун:

- таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ўзи жойлашган давлатнинг ваколатли органлари томонидан тан олинган бўлиши;

- таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда тан олинган бўлиши;

- таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олиниши Ўзбекистон Республикаси билан давлатлараро битимда кўзда тутилган (кооперация усули ёки мақсадли ўқитиш йўли билан олинган таълим бундан мустасно) бўлиши зарур.

**Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашга қўйиладиган талаблар**

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашда ушбу давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари тан олингандан кейин уларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига мослиги аниқланади.

Эквивалентликни қайд этиш жараёни махсус экспертиза орқали ўтказилади.

Махсус экспертиза қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

- ўқув режалари ва дастурларнинг мазмуни ҳамда мувофиқлиги;

- кириш синовларининг мавжудлиги;

- имтиҳонлар ва синовлар тизими;

- таълим олувчининг ўқиш давридаги баҳолари (эришган натижалари рейтинги, ўзлаштириш);

- ўзлаштирилган фанлар ҳажми (фанларнинг номи ва соатлар миқдори);

- амалиётнинг мавжудлиги ва унинг давомийлиги;

- якуний малака аттестациясининг мавжудлиги ва даражаси;

- битирув малака ишининг мавжудлиги;

- қўшимча таълимнинг мавжудлиги.

- Олинган билимлар ва тажриба якуний тайёргарлик нуқтаи назаридан ўқув режалари ва таълим услубиятида бўлиши мумкин бўлган фарқларни эътироф этган ҳолда баҳоланади.

Эквивалентлик тўғрисидаги хулоса қуйидагилар асосида қабул қилинади:

- таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги ижобий хулоса;

- Ўзбекистон Республикаси ва таълим тўғрисидаги ҳужжатлар берилган мамлакатдаги таълим тузилмасига қўйилган умумий талабларнинг мослиги;

- таълим мазмунининг мослиги тўғрисидаги экспертизанинг ижобий хулосаси.

Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро ва давлатлараро битимлар ва шартномалар мавжуд ҳолида эквивалентлик тўғрисидаги хулоса мазкур халқаро битимлар ва шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган тайёргарлик соҳаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва олий таълим йўналишлари рўйхатига мос келмаса (кооперация йўли билан ёки мақсадли таълим олган ариза берувчининг ҳужжатлари бундан мустасно) ёки ўқитиш ҳамда тайёрлаш Ўзбекистон Республикасида олиб борилмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва соҳаларда амалга оширилган бўлса, мазкур ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш масаласи экспертлардан иборат махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги тўғрисидаги салбий хулоса қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

- хорижий давлатларда профессионал маълумот тўғрисида ҳужжат берадиган таълимнинг умумий меъёрий даври (тўлиқ ўрта маълумот олингандан кейин) Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларида назарда тутилган даврдан бир йилдан кам бўлса;

- таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган мамлакатда унинг эгасига Ўзбекистондагига қараганда кам академик ва (ёки) профессионал ҳуқуқлар берилган бўлса (масалан, ҳужжат эгаси олий ўқув юртларига, магистратура ёки докторантурага кириш, профессионал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслиги);

- маълумот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган таълим шаклида олинган бўлса.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш жараёни халқаро битимлар ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари, меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

**Бошқармага тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш тартиби**

Ҳужжат эгаси ёки манфаатдор ташкилот ариза (иловага мувофиқ) ва бошқа ҳужжатларни ушбу Низомнинг 9-бандига мувофиқ Бошқармага тақдим этади.

Бошқарма тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш жараёни учун барча зарур ҳужжатлар мавжудлигини аниқлайди ва ушбу материалларни ваколатли эксперт комиссиясига юборади. Тан олиш ёки эквивалентлигини қайд этиш жараёни учун талаб қилинган материаллардан бирининг йўқлиги аниқланган тақдирда ҳужжатлар ариза берувчига қайтарилади.

Эксперт комиссиялари Бошқарма томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли таълим йўналиш (мутахассислик) лари бўйича ташкил этилади. Ушбу комиссиялар таркибига етук олимлар ва мутахассислар киради. Комиссиялар фаолиятига бошқарма раҳбарлик қилади.

Экспертиза давлат таълим стандартлари, таълим муассасасини ўзлари жойлашган давлатларда белгиланган тартибда аккредитация қилиш ҳақидаги ҳужжат, кўрсатиб ўтилган таълим йўналиш (мутахассислик)лари бўйича ўқув режалари, ўқитилган ўқув фанларининг дастурлари, малака тавсифномалари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Эксперт комиссияси зарур ҳолларда (таълим муассасасининг салоҳияти ва нуфузини мавжуд ҳужжатлар асосида аниқлаш имкони бўлмаса, фанлар рўйхати ва ҳажмидаги фарқлар мавжудлиги ҳамда бошқа ҳолларда) айрим таълим фанлари бўйича махсус синовлар ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Бошқармага таклиф киритиши мумкин.

Эксперт комиссияси хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, зарур ҳолларда мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган синовларни ўтказиб тегишли хулоса тайёрлайди ва уни Бошқармага тақдим этади.

Бошқарма эксперт комиссиясининг хулосаси ва таклифини кўриб чиқиб, таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалент эканлигини қайд этилганлиги ҳақидаги қарор ҳужжатнинг эгасига махсус гувоҳнома бериш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади. Ҳужжат эгасининг маълумот тўғрисидаги ҳужжати гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

Тугалланмаган маълумот тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома унинг эгасига Ўзбекистон Республикасининг тегишли даражадаги таълим дастурларини амалга оширувчи таълим муассасасига имтиҳонлар, якуний баҳолар ва синовларни ҳисобга олган ҳолда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради. Бунда хорижий давлатлар томонидан берилган тугалланмаган таълим тўғрисидаги ҳужжат академик маълумотнома сифатида қабул қилинади.

Ариза берувчининг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддати барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

Таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ёки эквивалентлигини қайд этиш ҳақидаги гувоҳнома шахсан ариза берувчига ёки унинг топшириғига биноан керакли ҳужжатларга эга бўлган қонуний вакилига берилади.

Ўқув режаларидаги тафовутларни топшириш ёки махсус синовлардан ўтиш муддати ариза берувчининг розилиги билан белгиланади. Синовларни ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган вақт мазкур низомнинг 24-бандида назарда тутилган муддатга кирмайди.

Ўрта махсус ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд қилиш тўлов-шартнома асосида амалга оширилади. Тўлов миқдори амалдаги белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланади.

Диплом ва эквивалентлигини қайд этиш тўғрисидаги гувоҳнома унинг эгасига Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасасида навбатдаги босқичда ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

**Жавоб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма марказий қўмитаси мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланди**

*Орамиздаги одамлар*

# ГУЛНОРА
## ЭНГ ЯХШИ РУС ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ

***Гулнора Демодедово тайёрагоҳига қўнган самолёт зинапояларидан тушар экан, атрофга ҳайрат билан боқди. Ёшлигидан номи ёд бўлиб кетган азим шаҳар қандайдир жозиба билан уни ўзига тортарди. Гулнора бу ерга яхши ният, дил тўла орзулар ила келган. Ҳозир хаёлидан кўп нарсалар ўтди...***

«Труд» газетасининг 2004 йил январ сонларидан бирида МДҲ ҳамда Болтиқбўйи мамлакатлари ўртасида рус тилини шарафлаш мавзуида иншолар танлови ўтказилиши ҳақидаги эълонга кўзи тушиб, унда қатнашиш истаги туғилди. Изланди, кечалари мижжа қоқмай ўқиди, иншо ёзди. Унинг ижодий ишида Ўзбекистонда ҳеч бир тил камситилмаслиги, рус тилига миллатлараро муносабатлар тили деб қаралиши баён қилинди. Ўзи ишлаётган Ҳаққулобод шаҳридаги рус тилига ихтисослашган 2-ўрта мактабда рус тили ўқитилиш тажрибасига кенг тўхталди. Ўзбек болалари ҳам русчани ўрганаётгани, улар бошланғич синфларданоқ қизиқиш, ихлос билан шу тилда сўзлашаётгани ҳақида жонли мисоллар билан фикрини ифодалади. Ўзбек болалар рус тили хусусиятлари, морфологияси, фонетикаси, синтаксисини ўзлаштиришаётгани, бу борада услубий тавсиялар ишлаб чиқилгани ҳам зикр этилди. Иншода Гулнора ўзи ўқитаётган синфларда болаларга рус тилини чуқур, пухта ўргатиш учун ўқув қуроллари, кўргазмалардан фойдаланиш тажрибаси ҳақида ҳам айрим мулоҳазаларини баён қилди. Ифодали ўқиш борасидаги кузатишлари ҳам қизиқарли эди. Ўзбек, тожик, татар миллатига мансуб оилаларда болаларга рус тилини пухта билишлари учун яратилаётган шароитлар ҳақида, айниқса, тўлқинланиб ёзган.

Гулнора Ҳакимова Наманган давлат университети рус тили ва адабиёти факультетини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1990 йилда тамомлади ва ўзи ўқиган мактабда 14 йилдирки рус тили ва адабиёт фанидан дарс беряпти. Мана, ўз кузатиш ва тажрибаси асосида ёзган иншоси Москва шаҳридаги танловда ғолиб чиқди. Россия пойтахтида бўладиган форумга таклиф этилди...

Форумда Гулноранинг иншоси биринчи ўринни олганлиги маълум бўлди. Унга «2004 йил славян тили энг яхши ўқитувчиси» гувоҳномаси топширилди...

Яқинда Гулнора билан учрашдик. Содда, болалардай беғубор, кўзлари чақнаб турадиган бу аёл дил тўла ҳаяжон ила қуйидагиларни айтди.

- Қадрдон мактабим жамоаси Москвага бориб келишимда ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берганидан хурсандман. Директор Гўзалхон Мардонова, ўқитувчилар Дилором Раҳмонова, Тамара Матичева, Зуҳро Борисова ва бошқалар мактабимизда таълим-тарбия ишларини юқори даражага кўтариш учун кўп меҳнат қилишаётир.

Гулнора Ҳакимова қалбига эзгу мақсадларни жо қилиб, янада ғайрат, ташаббус билан болаларга рус тилидан сабоқ беряпти.

**З.ЮНУСОВ**







## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июндаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилишини ва унинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури» тўғрисидаги қарорига асосан Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида «Репродуктив саломатлик» хоналари ташкил этилди. 2004 йил ўн бир ойи давомида 40495 нафар ҳомиладор аёллар камқонлик касаллиги билан ҳисобга олиниб, соғломлаштириш муолажалари буюрилган. Вилоятдаги барча туғиш ёшидаги аёлларга ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси томонидан мурувват йўли билан келтирилган темир сульфат дориси профилактик тарзда берилган. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда 2004 йилнинг 11 ойи давомида ижтимоий патронаж бригадалари энг чекка қишлоқларда бўлиб, 4096 оила, 6989 нафар туғиш ёшидаги аёллар, 3777 нафар 14 ёшгача бўлган болалар ва 331 нафар ўсмирлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича даволаш муолажалари тайинланди.

Вилоят ўсмирлар поликлиникаси қошида «Қизлар ва ўсмир қизлар репродуктив саломатлик вилоят методик ўқув маркази» фаолияти айниқса ибратли бўлмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 214 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Шуниси характерлики, ўтган йиллар давомида қишлоқ врачлик пунктлари Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан тиббий асбоб-анжомлар билан тўлиқ жиҳозланди.

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

*Овчи ён дафтаридан*

# КЎКЁЛНИНГ СЎНГГИ ТУНИ

Урушдан кейинги йиллар. Қишлоғимизга туташ Шўртепа дашти қамишзор, юлғунзордан иборат. Кечалари бу томонларга қарашга ҳам қўрқасан киши. Хўжалик қарздор бўлганидан тирикчиликнинг мазаси йўқ, қизиқиб эмас, заруратдан овчилик қилардим. Ўша кезларда чўл ичкарисидаги қўй фермасига бўри оралаяпти, деган гап тарқалди. Бир сафар даладан қайтсам, идорага чақиришаётганини айтишди. Борсам, мен сингари милтиқ тутишни биладиган икки тенгдошим ҳам ўтиришибди. Раис жанггоҳдан бир қўлини йўқотиб қайтган феъли тор одам эди.

— Укалар, ёрдамингиз керак, - деди дарҳол асосий масалага кўчиб. — Йиртқич тинчлик бермай қўйди. Бир ҳафтада етти бош жониворни тинчитди. Бўрини отганга битта қўй мукофот. Ҳозироқ милтиқларингизни олиб, тўғри Содиқ чўпон ўтовига борасизлар.

Содиқ чўпон қотма, чўтир одам. Меҳнатнинг зўрлигиданми, кафти ҳам таёғи сингари тош дейсиз.

— Ёлғизликдан иложини тополмаяпман, - деди тишларини ғичирлатиб у. — Иккала ёрдамчим ҳам она сути оғзидан кетмаган гўдак. Қашқирнинг увиллашини эшитишсаёқ сичқон инини ижарага олишади. Бугун бир хумордан чиқайлик.

Қоронғи тушмасидан қўра атрофидан жойларимизни эгалладик. Чўлда қоронғи тез тушади. Борлиқни бир зумда зулмат қоплади. Бурнингни биров чимдиб ўтса сезмайсан. Жамики тирик зот пинакка кетгандек. Аммо бу алдоқчи ҳиссиёт эканлигини биламан. Табиатда шунақа кучлар борки, тун сукунати орасида кўпни «чув» тушириб кетади.

Ярим тунда қўра ичкариси безовталанади. Демак, бўри яқинлашяпти. Бироқ у қаерда, қайси томондан келяпти? Милтиқ қўндоғини тутган қўлим терлади.

Тўсатдан одам бўйидан ҳам баландроқ қўра девори устида кўринган кўланка ичкарига гупиллаб тушди. Кимдир осмонга қарата узган ўқ тун пардасини йиртгандек бўлди. Не қиларимни билмасдан аланглаб турганимда анча наридан яна гупиллаган овоз келди. Мен ҳам милтиқни бўшатдим. Югур-югур бошланди. Итлар акиллашга тушди.

— Тағин олиб қочибди насибасини, — Содиқ чўпоннинг йиғламсираган овозини эшитдим. - Сенлар қаёққа қарадинг, нимага келгансанлар ахир?- Чўпон шерикларимга таъна қиларди.

Содиқ чўпоннинг ўринли гапидан кейин бўри ўлжасига одам сингари ер бағирлаб, пусиб яқинлашишини ўйлаяпман. Ҳа, хумкалла! Мен бўлсам бор бўй- басти билан келади, - деб юрибман.

Эртасига хижолатдан томоқдан овқат ҳам ўтмади. Учовимиз кунни кеч қилдик. Кечқурун ишни маслаҳатлашиб, пухта режалаштирдик, бунга Содиқ чўпоннинг ўзи бош бўлди.

—Бўри қўрага ўтов тарафдан келмайди, чироқ шуъласидан қўрқади,- дея уқтирди у. - Икки шогирдим ҳам сизларга шерик. Қўранинг бурчак томонида ўзим ётаман.

-Милтиғингиз қани?- сўрадим ҳайрон бўлиб.

-Умримда бунақа фалокатни ушламаганман, - жавоб қайтарди чўпон ҳаммамизни танг қолдириб.- Отамнинг таълим беришича, таёқ - чўпон учун энг яхши қурол. Гап уни ишлата билишда. Сизлар ўтказиб юбормасаларинг бас!

Янги ой жамол кўрсатди-ю, тўй кечасидаги келинчак каби тағин тун пардаси орасида кўздан йўқолди. Қоронғиликка қаттиқ тикилганимдан кўзларим оғрийди. Балки, бугун келмас, ахир, кеча милтиқ товушини эшитган, қўрқиб қолган бўлса, ажабмас.

Тун оғди. Қишлоқ тарафдан хўрозлар қичқириғи элас-элас қулоққа чалинди. Қўра ичидаги қўйлар тағин безовталанди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб шуни айтсалар керак. Ширин луқма бугун ҳам қўрага етаклаган эди. Чучварани хом санабсан, текинхўр, бугун соғ қайтиб бўпсан уйингга!

-Бўри! - ҳаяжонли ҳайқириқ келди ва шу заҳоти милтиқ гумбирлади. Унинг ортидан пўстак қоққандек бўлиб таёқ нимагадир гупиллаб тегди. Содиқ чўпон жаҳл билан сўкинди. Ҳаммамиз ўша ёққа чопдик. Чўпон инграб тўлғанаётган бўрини тинимсиз саваларди. Унга биз ҳам қўшилишдик.

Маълум бўлишича, милтиқли пойлоқчидан сездирмай ўтган «ўғри» амаллаб қўра деворига яқинлашган. Унга ногоҳ кўзи тушиб қолган чўпоннинг ёрдамчиси қўрқиб кетганидан қаттиқ бақирган. Милтиқли шеригимиз бўрини кўрмасданоқ ўқ узган, аммо йиртқич қочиб кетишга улгурмаган. Чўпоннинг учи тўмтоқ таёғини зарб билан унинг бошига туширган.

Кўк ёлли қашқир ўлдирилганидан хабар топган раис нонушта қилаётганимизда етиб келди.

- Раҳмат, йигитлар, ишончни оқладинглар, - деди раис қаҳрамон кимлигидан бехабар бизга миннатдорчилик билдириб. - Бўрини ким ўлдирган бўлса, қўрага кириб қўйлардан ёққанини танласин!

- Унақада қўй Содиқ акага тегади, - дедим кулиб ва воқеани баён қилдим.

Раис ёлғиз қўли билан қалин мўйлабини силаб жилмайди:

- Демак, таёқ милтиқдан афзаллигини исботлабди-да, Содиқбойимиз.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**

# «ГАЛЛИНА БЛАНКА»ДАН МИЛЛИОН

«Галлина Бланка»дан миллион» деб номланган ноёб акция ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келган 60 минг-дан зиёд мактуб қатнашди. «Галлина Бланка» ва «Иштаҳа» русумли маҳсулотларни тақдим этувчи «PASA» компанияси бу ажойиб оммавий лотереяни юқори савияда ташкил этди ва унинг якунида пойтахтимизнинг «Сайилгоҳ» кўчасида катта байрам концерти бўлиб ўтди.

«Галлина Бланка» компанияси дунёнинг 70 мамлакатида машҳурдир. У ҳар бир мамлакатда ўз маҳсулотларини айнан ўша жой харидорларининг анъаналарига яқинлаштиришга ҳаракат қилади. «Галлина Бланка» кубикчалари ва «Иштаҳа» шўрваларининг тобора оммалашиб бораётганлигини истеъмолчининг қизиқишини ҳисобга олиш билан ҳам изоҳлаш мумкин.

«Галлина Бланка»дан миллион» акциясида иштирок этиш учун кўп нарса талаб қилинмаган эди. Борйўғи 5 дона бульон кубикчасининг ёрлиғини қабул пунктига олиб келиб, бир лаҳзалик ўйинда ўз омадини синаб кўрилса, бас. Тошкентда бу ўйинлар Буюк Ипак Йўли метро бекатида, Чилонзор ва Юнусобод бозорларида ўтказилди. Бундан ташқари, Самарқанд, Андижон ва Фарғона шаҳарларида ҳам лотерея ўйинларида қатнашиш мумкин эди. Бир лаҳзалик лотереяда шахсан иштирок этиш имкониятига эга бўлмаганлар 5 та ёрлиқни «Галлина Бланка» абонент қутисига почта орқали жўнатишди, шу дақиқадан бошлаб улар ҳам асосий приз - миллион сўмни ёки кўплаб бошқа қимматбаҳо совғаларни ютиб олиш учун «кураш» олиб бордилар.

Ниҳоят, финал куни етиб келди. Юзлаб акция қатнашчилари «Сайилгоҳ»га йиғилдилар. Байрам мазали шўрваларни татиб кўришдан бошланди. Барча хоҳловчилар учун «Галлина Бланка» белгиси туширилган майка, бош кийимлари, ошхона буюмлари каби эсдалик совғалари ўйналди. Сўнг асосий «приз»ларга ҳам навбат етди. Танаффусларда «Байрам» ва «Аловиддин» гуруҳларининг шўх қўшиқлари, таниқли қизиқчи Обид Асомовнинг ичакузди ҳангомалари ҳаммага хуш кайфият бағишлади.

Лотереяда қатнашган саккиз қоп мактублар ҳатто ўйин барабанига сиғмади. Улар махсус ҳовузчага тўкилди ва шириngина бир болакай хат танлаш йўли билан омадлиларни аниқлай бошлади. Навбатдаги ютуқ соҳиблари гулдурос қарсаклар остида эълон қилинди. Қўқонлик Муножат Мадалиева микротўлқинли печ, тошкентлик Асқар Рисқиев ва Ҳусан Одиловлар телевизор ҳамда совутгич ютиб олишди. Миллион эса Самарқандда истиқомат қилувчи Игорь Лигайга насиб этди.

**Наргиза СОЛИҲОВА**

# АНДИЗ ХОСИЯТИ

*Ўлкамиз шифобахш неъматлари*

***Андиз инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали бўлган шифобахш неъмат. Айниқса, қора ҳамда сариқ андиз саноат аҳамиятига, шифобахш хусусиятга эга бўлган қимматбаҳо хомашё манбаи ҳисобланади. Андизнинг илдизи ҳамда илдизпояси табобатда озиқ-овқат, упа-элик саноатида кенг ишлатилади.***

Андизнинг таркибида 2-3 фоиз эфир мойи бўлиб, асосини галенин, алонтал, проазуден, есквитерпенлар, лектонлар, 45 фоизгача инулин, пседоинулин, инулиеин, инулицин, оз миқдорда сапонин, алкалоид, аччиқ моддалар, алонтопикларин, полисахаридлар, смола, бўёқ, камед, шиллиқ моддалар, пигментлар, витамин Е, сирка, бенсин кислоталари, ошловчи моддалар ташкил этади. Андизнинг шифобахшлик хусусиятлари жуда қадимдан маълум бўлган. Андиз илдизи ва илдизпоясидан тайёрланган дори-дармонлар халқ табобатида ҳамда илмий тиббиётда турли-туман хасталикларни даволашда кенг кўламда ишлатиб келинган.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино андизнинг шифобахшлик хусусияти ҳақида шундай деган: «Инсон организмининг иш фаолиятини яхшилайдиган, юрак қувватини мустаҳкамлайдиган малҳам, одамни хурсанд қиладиган, бош оғриқни, диққинафасликни даволайдиган ҳамда қуртларни туширадиган энг кучли дори-дармондир». Шунингдек, аллома андиз ўсимлигини бўғим оғриганда, эт узилганда, беланги касаллигида, совуқ (шиш) оғриқларида, балғам кўчирувчи, сийдик ва ел ҳайдовчи омил сифатида тавсия этган.

Халқ табобатида андиз илдизи ва илдизпояси асосида тайёрланадиган дамлама ва қайнатмалар балғам кўчирувчи, сийдик, ел ва гижжа ҳайдовчи, иситма туширувчи, бош оғриқни, қуёнчиқни, юрак тез-тез уришини, ошқозон-ичак йўлларининг шамоллаши ва ўпка сили касалликларини ҳамда кўтир, экзема (гуш) ва яраларни даволашда тавсия қилинади. Халқ мақолларида «Андиз бор жойда от ўлмас, андиз бор жойда бемор бўлмас» деб бежиз айтилмаган.

Олимларнинг фикрича, андиздан озиқ-овқат саноатининг бир қанча тармоқларида хомашё ўрнида, айниқса, зиравор сифатида, гўштли, балиқ ва мева консервалар тайёрлашда, конфетлар ишлаб чиқаришда, қиём, ичимликлар тайёрлашда фойдаланса бўлади.

### ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

1.Ҳомиладор аёллар ҳамда буйрак касаллигига дучор бўлган беморлар андиздан тайёрланган дори-дармонлардан фойдаланмасликлари лозим.

2.Андизни кўп истеъмол қилиш зарарли бўлиб, айниқса, иссиқ мижозли кишилар эҳтиёт бўлишлари керак.

3.Андиз ширасини баробар миқдордаги асал билан аралаштириб, йўтал ва диққинафасда (астма) ялаш тавсия этилади.

4.Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув (200 гр) қўшилади, устига майдаланган илдиз ва илдизпоясидан бир чой қошиқда солиб, 8 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 4 маҳал овқатдан 20 минут олдин чорак стакандан (50 гр) ичилади.

5.Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйиб, устига майдаланган андиз илдиз ва илдизпоясидан 20 гр солинади, бир оз қайнатиб 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин 20 минут бир ош қошиқдан ичилади.

6.Тери касалликларини даволаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1л сув қуйиб, устига майдаланган андиз илдиз ва илдизпоясидан 100 гр солиб, бир оз қайнатилади ва 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, яра, экзема ёки кўтир бўлган ерлар кунига бир неча марта ювилади ва докани ҳўллаб ўша жойга боғланади. Маълумотларга қараганда, андиз организмда модда алмашинувини яхшилаб, бодга даво бўлиш учун, шунингдек, оғриқли ҳайз кўришда ва унинг бемаврид келишида, қон босими бўлганида, сил, жигар, асаб касалликларида, ошқозон ва ичак яраларида, қандли диабетда ижобий натижаларни кўрсатади. Ташқи муолажа сифатида ҳам оғиз ва томоқ яллиғланишида ғарғара этилиши, хасталанган жойларга суртилиши ёки компресс қилиш муҳим аҳамиятга эга.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент**

## ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жиззах вилоятида анъанавий фан олимпиадаларининг учинчи вилоят босқичи ўтказилмоқда.

Тадбирда мактабда ва туман миқёсида ғолибликни қўлга киритган 632 нафар 9-10-11 синф ўқувчилари иштирок этишмоқда. Олимпиаданинг очилиш маросимида ўқувчилар танловнинг шарт ва меъёрлари билан таништирилди.

Бўлғуси битирувчилар билимлар мусобоқасини бошлаб берган бўлса, 9 синф ўқувчилари уни якунлашади. Бу каби беллашувлар нафақат ёшларнинг илмий салоҳиятини синовдан ўтказиш, балки ғолибликни қўлга киритганлар учун республика миқёсида ўтказилажак олмпиадаларга иштирок этиш имконини беради.

Ушбу билмилар беллашуви 19 та фан йўналиши бўйича ўтказилмоқда. Демак, Республика олимпиадасига 19 та йўлланма бор. Мамлакат миқёсида ўтказиладиган олимпиада эса нафақат ўқувчилар, балки устозлар меҳнатига бериладиган баҳо бўлиши шубҳасиз.

**"Туркистон-пресс"**

*Донолар дейдиларки...*

# УЗОҚ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ

Инсоният неча-неча замонлардан буён ўзини қийнаётган биргина жумбоққа жавоб излайди: «Қандай яшаса киши узоқ умр кўриши мумкин?!». Еттинчи аср ўрталаридаёқ хитойлик машҳур врач Сунь Симяо саломатлик ва кўп яшаш формуласини ишлаб чиқди. «Шовқинли товушларни эшитманг. Бекорчи сўз айтманг. Ортиқча ҳаракат қилманг. Каллангизда ғўр, бўлмағур фикрларни олиб юрманг!», дея маслаҳат беради у.

«Ҳаёт бизга завқланиб яшаш учун берилади, - дейди Сунь Симяо. - Шундай экан, ўзни ортиқча зўриқтиришдан на фойда?! Ҳар бир оддий воқеадан ҳам безовта бўлавериш керакмас, ахир. Бу билан биз фақат қўшиқ айтиб, байрам қилинг, демоқчимасмиз. Ҳар бир нарса ўз ўрнида яхши. «Ҳаёт» деган сўзнинг асл маъноси хитой тилида «Ҳаракатсиз ҳаракат» деганидир! Демак, иш фаолиятингиз ва ҳаракат ҳолатингизни ўз вақтида ўзгартира билинг!».

Қандай қилиб буни амалга ошириш мумкин?

«Узоқ ўтириш - танага зарар келтиради. Узоқ ётиш эса нафас олишни қийинлаштиради. Узоқ вақт тик туриш суякларга зиён етказади. Узоқ масофага пиёда юриш мускуллар ишини мушкуллаштиради» дейди қадимий хитойликлар. Киши қачон тўхташ, қачон дам олиш, қачон ҳаракатни секинлаштириш, доимий ритмни қандай сақлаш кераклигини билмоғи керак экан. Бу ҳақда XI аср олими Хуан Тинзянь шундай маслаҳат беради: «Тўйиб овқатланиб, чой ичганингиздан сўнг дам олинг. Кундузги ташвишлардан холи бўлгач, яна дам олинг. Ҳасадгўйликдан йироқ бўлиб, ўзингизни дилозорликдан тийишга улгурган бўлсангиз, дам олиш сизга янада роҳат келтиради!».

Ўтмишда Хитой донишмандлари инсоннинг ҳаёт йўли билан табиат фасллари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд деган фикрни исботлаганлар ва одам умрини тўртга бўлиб ўрганганлар. Болалик «ҳаётнинг баҳори»дир, яъни у баҳор каби беғубор, мусаффо. Шу баробарида бетиним ва серҳаракат ҳамдир. Киши болалик кезларида дунёга ҳассослик билан боқади, ўз ҳаётини тафтиш қилишни билмайди, аксинча воқеликни ташналик билан ўрганади. Бу даврда у тез ўсади, қувноқ яшайди ва худди баҳор фасли каби ўзгарувчан бўлади. Ёшлик эса «ҳаёт ёзи», айни пайтда у физиологик соғломлик даври. Ўз-ўзидан бошқаришни ўрганиш, ахлоқий жиҳатдан вояга етиш, энг тоза, мукаммал ҳисларнинг уйғониши, нималарни билиши ҳақдаги заруратнинг пайдо бўлиши ҳамда ўз-ўзига «хўжайинлик» қилишга уриниш айни мана шу ёшлик фасли билан боғлиқдир.

Балоғат эса «ҳаётнинг кузи» дейишади донишмандлар ва бу пайтда одам ўз меҳнати ва изланишларининг самарасини кўра олади деб ҳисоблайдилар. Ўз зиммангдаги ишларни адоқлаб улгурдингми ё аксинча? Кўнгил билан ақл ўзаро мутаносибми? Атрофдаги одамлар билан тил топишишга қодирмисан? Мукаммалликка интилишдек олий саодатга эришдингми? Балоғат фасли шундай саволларга жавоб излайди. Кексалик эса «Ҳаётнинг қиши» бўлиб, кўнгил софлиги диққатни бир жойга жалб этиш билан алмашиниб туради. Инсон бу кезда юксаклик чўққисига эриша олади. Шунингдек, айни пайтда у етарлича ҳордиқ чиқаришга эришмоғи ҳам зарур.

Хитой донишмандлари ҳар кишига меҳрибон ва соғлом бўлишни уқтирадилар. Ва шу билан бирга узоқ яшашга хизмат қилувчи ўн бешта маслаҳатни таъкидлаб ўтишади: «Юзни кўпроқ уқаланг. Сочни доимо тараш керак. Кўзлар муттасил ҳаракатда бўлсин. Қулоқлар доимо ҳушёр турсин. Юқори ва паст қатордаги тишлар бир-бирига тегиб туриши шарт. Оғизни ҳамма вақт ёпиб юринг. Оғизда ҳамиша сўлак бўлиши керак. Енгил нафас олишга ўрганинг. Юракни осойишта сақланг. Онгли равишда ҳаракат бошланг. Елкани тўғри тутинг. Қоринни кўпроқ силаб туринг. Кўкрак ботиқ бўлсин. Қисқа ва равон сўзланг. Терида мунтазам намлик бўлсин...». Хуллас, инсон ўзини идора қила олиши, ўз кучини, имкониятларини нималарга сарфлашни билиши жоиз экан. Демак, узоқ умр кўришнинг сири - тўғри яшашда деган фикр келиб чиқади, шундай эмасми? Ахир, аждодларимиз ҳаётини олиб қаранг. Рост сўзлашган. Доимий меҳнат қилишган. Маромида овқатланишган. Муҳими, камтарона яшашган! Буларнинг ҳаммасидан биз ўзимиз орзу қилганимиздек - узоқ яшашнинг йўл-йўриқларини билиб оламиз.

**Гулчеҳра КАРИМОВА**

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тармоқ тафтиш комиссияси раиси Салимжон Раҳимовга турмуш ўртоғи

**ЗАМИРАХОН опа**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Маданият ходимлари касаба уюшма Тошкент шаҳар кенгаши Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғининг директори, шаҳар кенгашининг аъзоси

**Шавкат СУЛТОНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 016 1 2 3 4 5 6